

**БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА
МАРКАЗИ
АХБОРОТ-БИБЛИОГРАФИЯ ХИЗМАТИ**

*Атоқли адиб Мирзакалон Исмоилий
тавал. 115 йиллиги*



**ҲАЁТИНИНГ
ЎЗИ ОДАМИЙЛИК
ҚИССАСИ**
эсдалик

Андижон -2023

КИРИШ

Шундай ёзувчилар борки, улар яратган асарларни ёдга олсангиз бас-номлари беихтиёр тилингизда, дилингизда. Бунинг боиси эса - китобхон юрагига йўл топганларида, ўқувчини ҳаяжонлантира олганларидадир. Бундай асарлар китобхонлар руҳини кўтаради, уларни хушнуд этади, қаҳрамонликка йўллайди, курашга “чорлайди”. Бундай адиб ва шоирлар номи асарлари билан ҳамоҳанг, жўр бўлади-абдий яшайди. “Фарҳод ва Ширин” достонини эсга олсак, буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг мўътабар сиймоси кўз олдимизда гавдаланади. Кенг китобхонлар оммасига манзур бўлган “Ўткан кунлар”, “Қутлуғ қон”, “Абай”, “Шум бола”, “Сароб”, “Мирзо Улуғбек” каби асарлар борки, уларнинг муаллифлари кимлар эканини китоб мухлислари яхши биладилар. Худди шундай : “Фарғона тонг отгунча” дейилса кифоя, китобхон дарров севимли адибимиз Мирзакалон Исмоилийнинг номини ҳурмат билан тилга олади, чунки у ўз асарлари билан китобхонлар муҳаббатига сазовор бўлган адибдир. Мирзакалон Исмоилий ва унинг асарларига хос етук одамийлик, одамгарчилик - унинг ўқ марказида жойлашган кенг, катта маънодаги адаб-ёш идеал изловчиларни ўзига батамом мафтун қилиб қўйди. Мафтунлик кетидан машҳурлик келди. ўз даврининг машҳур кишилари – Абдулла Қодирий, Ғози Юнус, Чўлпон каби буюк сиймолар билан учрашиб, мулоқотда бўлган.

Мирзакалон Исмоилий ўзбек адиблари орасида йирик тил билимдонларидан бўлиб, жонли тил тебранишларидан теран хабардор эди. Бу жабҳада у Чўлпон, Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Сўфизода, Комил Яшинга яқин турарди. Улардаги тил ва миллий ифода бойлигига яқинлашишга интиларди. Бу борада у романи ва таржималарида яхши натижаларга эришди ва миллий калоритга бой бадиий тилни истифода этди.

Халқимизнинг севимли адиби Мирзакалон Исмоилий таваллудининг 115 йиллиги муносабати билан тузилган ушбу библиографик қўлланма кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ҲАЁТ СИНОВЛАРИНИ ЕНГИБ ЯШАДИ

Мирзакалон Исмоилий 1908 йилининг 15 октябрида Ўшда, деҳқон Исмоилхўжа оиласида туғилади. Аммо бутун болалик йиллари Андижондаги жонажон Булоқбоши қишлоғида ўтди, бир фасл қишлоқ мактабида ўқиди. Шўро инқилобидан кейин Ўшдаги болалар интернат-мактабда тарбия олади. У 1922 йили қобилиятли ёшлар қаторида Тошкентдаги ўзбек эрлар билим юртига жўнатилади. Билим юртида эса ёзувчи Олим Шарафиддиновдан адабиёт тарихи ва назариясидан олган таълими ёзувчи қалбида ўчмас из қолдиради. Унда адабиётга ҳавас уйғотган ҳам мана шу билим даргоҳи бўлди. Шу билан бирга ҳаваскорлар драма тўғарагининг фаол аъзоларидан бирига айланади. Бу таълим масканда бўлажак адиб олти йил таълим олади. Мирзакалон Исмоилий таълим олган билим юртида ҳаваскорлар драма тўғараги бор эди. Аммо сахнада ўйнагудек оригинал асарлар етишмасди. Бир жиҳатдан ана шу эҳтиёж сабаб бўлиб, Мирзакалон Исмоилий 1926 йилда илк бадий асарини яратди. Бу “Саккизинчи март хотин-қизлар озодлиги” номли кичик пьесани ёзди. Асар ўйнаб бўлингандан сўнг Ўзбек Давлат нашриёт директори ёзувчини ҳузурига чақириб :

Сиз шу пьессангизни бизга кўчиртириб берсангиз, китоб қилиб чиқарамиз, - деди. Пьеса 1927 йили Абдулла Қодирий таҳририда, Исмоилзода имзоси билан босилиб чиқди.

Мирзакалон Исмоилийнинг ўзи бу ҳақида шундай деганди: “Кейинчалик рус адиблари ва жаҳон адабиётини ўқиб чиққач, ўша асарим нақадар бўш ёзилганини пайқадим ва эҳ-э, менинг асар ёзишимга яна етти-саккиз қовун пишиғи бор экан деб ўйладим. Кейин рус тилида чиққан бадий асарларни ўргана бошладим. Таржима билан шуғулландим. Мутолаа ва таржима ёзувчи бўлишимда катта роль ўйнади.”

Бўлажак адиб 1928 йили билим юртини тамомлагач, 2 йил Ўрта Осиё давлат университетининг “Шарқ” факультетида таълим олади, айна пайтда ишчилар факультетида муаллимлик қилади.

Шунингдек, у узоқ вақт бадиий таржима билан шуғулланди ва бу борада маҳоратини ошира борди.

Мирзакалон Исмоилий 1942 йили фронтга жўнаб, 1947 йилга қадар ҳарбий хизматда бўлди. Сталинграддан Берлингача борган. Иккинчи жаҳон уруши вақтида ўзбек тилида чоп этилган фронт газеталарида ишлади. Сталинград бўсағасида ташкил топган ўзбекча “Қизил Армия” номли фронт газетасида масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, ҳарбий мухбир бўлиб ишлади. Ёзувчи ва жанговар журналист сифатида фронтнинг олдинги қисмларида юрди, солдатларнинг немис фашистларга қарши интиқом жанглирида жонли шохид ва бу жангларда бевосита иштирокчи бўлди – Сталинград остоналаридаги қаттиқ жангларда, Орёл ва Курскдаги танк-техника олишувлари ўтида шижоат кўрсатди. Берлингача бориб, Рейхстагга ғалаба байроғи осган ғолиб жангчилар билан ҳамнафас бўлди. У уруш кечинмалари ҳақида фронт газетасига кўплаб оператив хабар-мақолалар ёзди. Мирзакалон Исмоилий фронт газетаси мухбири сифатида тез-тез олдинги марраларда бўлар, аскар йигитларнинг мардлиги ва жасоратларини ўз кўзи билан кўрар, улар билан суҳбатлашар, орзу-умидларини тингларди. Адибнинг уруш йилларида ёзган жанговар лавҳалари, ҳикоя ва очерклари фронт газеталарида кетма-кет босилиб турди. Шунингдек бу асарлар “Қизил Ўзбекистон” газетаси, “Шарқ юлдузи” журнали, “Шонли саҳифалар”, “Мардлик қиссалари”, “Қаҳрамон ҳақида ҳикоялар” номли тўпламларда эълон қилинди. Фронтдаги хизматлари учун “Қизил юлдуз” ордени ва бир неча жанговар медаллар билан тақдирланади. 1965 йили “Ҳарбий ҳикоялар” кутубхонаси сериясида Мирзакалон Исмоилийнинг “Озод инсон ҳақида қўшиқ” деб номланган китоби нашр этилди.

Бу асарлар ҳануз ўз қимматини йўқотмаган. Зотан улар, оталаримиз жасорати, халқимиз қаҳрамонлик солномасининг бадиий ифодаси сифатида ҳамиша ардоқлидир.

Мирзакалон Исмоилий урушдан кейинги йилларда ҳам бадиий публицистика ва насрнинг кичик жанрларида баракали ижод қилди. Адабий-танқидий мақолалар ёзди. “Уруш ва тинчлик” ўзбек тилида, “Лев Толстой ўзбекча таржималарда “Лауреатларимиз” (Иззат Султон ва Уйғуннинг “Алишер Навоий” драмаси ҳақида) каби мақолаларда адибнинг адабий, эстетик қарашлари ифодаланган. Адиб публицистикасининг кўзга яққол ташланган кирраси, шубҳасиз одоб-ахлоқ мавзуида ёзилган асарлари эди.

Мирзакалон Исмоилий катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, турмуш тажрибаси бой адиб эди. У таржимонлик фаолияти туфайли бошқа халқларнинг санъати, маданияти ва урф-одатларини чуқур ўрганган. Айни чоғда шарқнинг одоб-ахлоқ борасидаги энг яхши анъаналарини юксак қадрият сифатида ардоқлайди. Ушбу омиллар ёзувчининг одоб-ахлоқ мавзуидаги асарларини ичдан нурлантириб туради. Адиб узок вақт давомида Ўзбекистон радиосининг “Ёшлик” таҳририяти билан ҳамкорлик қилиб келди.

Унинг публицистик асарлари қалб даъвати билан, самимий ёзилар, қуруқ, сийқа панд-насихатлардан холи эди. Куйинчак ёзувчи одамларнинг кўнглига йўл топишни, уларнинг дардига малҳам бўлишни билар эди. Мурувватли, олийҳиммат, саховатли инсон эди. Қўлидан келганча, одамларга яхшилик қиларди.

У урушда эканида “урушдан кейин уйимга қайтиб фақат бир кунгина яшасам ҳам армоним қолмас эди” – дея орзу қиларди. Сталинградда қиёмат олови ичида қолганида “уйимда бир соатгина яшасам эди”, деб Худога илтижо қилганди. Уруш азоблари тугаганидан сўнг, уйига қайтди, аммо ҳаёт уни яна синади... Мирзакалон Исмоилий 1949 йил 31 декабрда ҳибсга олиниб, Шўро давлатининг душмани сифатида 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Ноҳақликлар, азоб-уқубатларни бошидан кечирган Мирзакалон Исмоилий қатағонга учраб, олис ўлкаларга сургун қилинди. Маҳбус, Мирзакалон Исмоилийга берилган саволлар ичида унинг 1937- йиллари қатағон-қирғин қилинган шоир Чўлпон билан яқинлиги ҳақидаги ҳам савол ҳам бўлган.

Адиб тўрт йилу тўрт ой Қарағанда кўмир конларида ишлаган. 1955 йилда гуноҳсиз топилиб, озодликка чиқарилган. Қатағон даври ўтган бўлса – да, кейинчалик ҳам ҳаёт тўсиқлари уни четлаб ўтмаган.

Адиб турли ташкилотларда, жумладан, ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетаси таҳририятида “Тошкент” киностудияси, “Шарқ юлдузи” журнали, Ўзбекистон давлат нашриёти, Ёзувчилар уюшмасида ишлади. Республика радиосида эшиттиришлар тайёрлади. Мирзакалон Исмоилийнинг радиодаги ҳар бир чиқишлари тингловчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотар, акс садо, хатлар ёғилиб кетар эди.


Адибнинг “Бизнинг роман”, “Ўзингдан кўр” қиссалари, “Қизлар дафтарига” каби асарлари миллий одоб ва ахлоқий масалаларга бағишлангани билан ажралиб туради. Шундай асарларидан бири “Одамийлик қиссаси” дир. У адибнинг қуродош дўсти, ёзувчи Мели Жўра таклифи билан юзага келган. “Инсон хусни” ни қайта ишланган, мазмунан тўлдирилган нашридир.

Мирзакалон Исмоилий таълим-




тарбияга “ё ҳаёт, ё мамот” (А. Авлоний) масаласи деб қараган. Айниқса ёзувчини ўсмирлар тарбияси билан боғлиқ муаммолар жиддий ташвишлантирар, эринмай ахлоқ тузатиш колонияларига бориб, ёзилажак асарига материал тўпланар эди.

“Бизнинг роман”, “Ўзингдан кўр” қиссалари ана шу эҳтиёж ва саъй- ҳаракатлар маҳсули эди.



“ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА”

Адиб “ Фарғона тонг отгунча ” асарининг биринчи китобини ўша машъум жойларда ёзган.



“Мен бу китобни ёза туриб қанчалар йиғлаганман, қанчалар, қон ютганман!”... Билсангиз, пешонамда темир панжара, тепамда ўлимтик чироғнинг ўлиб бўлган қора нури, остимда зах, совуқ бетон, эшигида отнинг калласидек қулф!... Қўйинг бошқа тафсилларнинг қораси ўчсин! Бу шунчаки бир китоб эмас, йўқ бу шахсга сажда даврининг қора кунларида минг азоб, минг тўлғоқ билан туғилган ғариб хилқат. Ҳа, хилқат!...

Қамоқхонанинг таҳқирловчи, оғир шароитида ҳам ижод қилишга ҳам ўзида куч топа олган Мирзакалон Исмоилий иродали инсон эди, бир куни ҳақ жойида қарор топишига ишонарди, шу боис руҳий тушкунликка берилмайди. Ниҳоят, Сталин вафотидан сўнг ҳақ жойида қарор топиб, оқланади. Озодликка чиққан ёзувчи романга сайқал бериб, нашрга тайёрлай бошлайди.

Машаққат билан ёзилган бу асарнинг чоп этилиши ҳам осон бўлмаган. Қизил мафкура ҳукмрон даврда ҳамма нарсага, жумладан, адабиётга ҳам синфий нуқтаи-назардан қарашдек ярамас иллат урф бўлган эди. Роман муҳокамасида муаллифга қутилмаган талабни қўйишади. “Камбағални эмас, муллавачани қаҳрамон қилиб олибсиз, асарни қайта ишлаш керак”, дея қўлёзмани нашрга рухсат беришмайди. Аммо ёзувчи бундай танқидни қабул қила олмайди., чунки у XIX - аср бошларидаги ўзбек зиёлисининг образини яратмоқчи бўлган эди ... Агар романни танқид қилувчилар талабига кўра тузатса, бутунлай бошқа асар ёзишга тўғри келарди.

Хуллас, Мирзакалон Исмоилий романни қайта ишлагиси келмай, тортмага ташлаб қўяди. Бу орада Ёзувчилар уюшмасига Сарвар Азимов раис бўлиб келади – ю, роман у кишининг ёрдами билан 1958 йили чоп этилади., аммо жуда оз – атиги 15 минг нусхада чоп этилади. Озгина нусхада чоп этилганлигига қарамай, китобхонлар орасида шуҳрат қозониб тезда тилга тушади, китобхонлар ва адабий жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлган. Талашиб-тортишиб ўқилади. Фарғонада романни тарқатилиши билан шахсан вилоят раҳбарининг ўзи шуғулланади. Романнинг иккинчи китоби –“Сўнгги кеча” эса илк бор 1967 йилда чоп этилади.

“Фарғона тонг отгунча” – чинакам миллий роман!. Миллий рух романнинг гўзал, ширали тилида, XX аср бошларидаги мураккаб ҳаёт, турли тоифа-қатламдаги қаҳрамонлар характери, ўша даврдаги урф-одатлар ва турмуш тарзининг ҳаққоний манзаралари тасвирида анча ёрқин касб этган. Адабиётимизда чинакам миллий рух билан суғорилган бундай асарлар санокли. Аммо ёзувчи шўро мафкураси талабига кўра, айрим ўринларда муроса қилишга, асарга инқилобчилар образини киритишга мажбур бўлади.

“Фарғона тонг отгунча” аслида уч китобдан иборат трилогия бўлиши лозим эди. Романнинг дастлабки икки китоби “Қаър гулдириси”, ва “Сўнгги кеча” қайта-қайта чоп этилади. Трилогиянинг учинчи китоби эса ёзилмай қолди...

"Фарғона тонг отгунча" да турли ижтимоий табақа вакиллари, уларнинг ўзаро муносабатлари орқали ёзувчи ўша давр ҳаётининг муҳим томонларини ҳаққоний акс эттирган. Асарнинг бош қаҳрамони Ғуломжон-ўртаҳол, ўзига тўқ деҳқон оиласидан. Шоиртабиат, кўнгилчан, заррача адолатсизликни кўтара олмайдиган йигит. Асарда Ғуломжон ва Ҳаётхон ўртасидаги жуда узоқ давом этган севги тасвири жуда ҳаяжонли ва таъсирли чиққан. Бу муҳаббат тасвирида ёзувчи маҳорати яққол намоён бўлган. Икки ёшнинг узоқ вақт бир-бирига етишолмай, доғу –ҳасратда надомат билан ўтиб кетиши эҳтирос билан, ёрқин тасвирланган....

ЗАБАРДАСТ ТАРЖИМОН

Ҳар бир таржимоннинг ўз овози, ўз услуби, ўгираётган асарида сақланиб қолади. Адибнинг таржимонлик фаолияти ҳақида тўхталганда, унинг ўзбек китобхонига жаҳон адабиётини танитишдаги хизматлари беқиёс эканлигини тилга олиб ўтиш лозим. У ўз таржимонлик фаолиятида Лев Толстойнинг “Тирилиш”, “Анна Каренина”, Новиков-Прибойнинг “Цусима”, Жюль Верннинг “Сирли орол”, Э. Войничнинг “Сўна” каби мумтоз асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан ўгирди.

Мирзакалон Исмоилий жаҳон ва рус классикларининг икки юздан ортиқ асарини таржима қилган. Унинг энг сара таржималари, аввало, катта маънавий-маърифий-ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида қайта яратилган.

Абдулҳамид Чўлпон Мирзакалон Исмоилийнинг устозлари эди. Абдулҳамид Чўлпон 1935 йили эълон қилган “Кўлагада қолғонлар тўғрисида” мақоласида ўша пайтдаёқ Мирзакалон Исмоилийнинг катта таржималари борлигини эътироф этади. Чўлпон ўз мақоласида айрим таржимонлар фаолиятини танқид қилади. Бироқ Мирзакалон Исмоилий таржималари алоҳида тадқиқ этилиши кераклигини таъкидлайди. Бу эса ёзувчининг маҳорати, таржима услубига билдирилган юксак ишонч эди.

Ёзувчи — санъаткор шахс. У сўзларнинг маъно жилваланишларини яхшироқ фарқлайди; рангдор, жарангдор сўзларни бошқаларга кўра нисбатан аниқроқ кўради, ҳис этади. Мирзакалон Исмоилий қаламидан муваффақиятли чиққан таржималарни ўз она тилида чиққандай дейиш мумкин. Унинг дастлабки таржималари орасида Н. А. Некрасовнинг “Дехқон болалари”, Генрих Сенкевичнинг “Янко-музикачи”, З. Александрованинг “Майка”, Сергей Михалковнинг “Қуённи бошидан кечирганлари”, Лев Толстойнинг “Тирилиш” асарлари бор.

Мирзакалон Исмоилий таржимонлик фаолиятида ўзига хос мактаб бўлган, уни таржимон сифатида кўпчиликка танитган асар Этель Лилиан Войничнинг машхур “Сўна” романидир. Асар инглиз тилидан рус тилига, рус тилидан эса ўзбекчага таржима қилинган. Ҳар бир асар бошқа тилга ўгирилар экан, у қандай моҳир таржимон томонидан бажарилмасин, асликдан узоқлашади. Шундай экан, таржимадан таржима қилинса қандай муаммолар учрайди? Таржима соянинг сояси бўлиб қолмайдими? “Сўна”нинг ўзбекча таржимасида Мирзакалон Исмоилий ана шу жумбоқларни ижобий ҳал қилиш учун катта меҳнат қилган. Асар Мирзакалон Исмоилий таржимасида ўзбек тилида уч марта нашр қилинган. Таржимон романнинг ҳар бир нашрини қайта-қайта ишлаб, янгидан сайқал берган. Шунинг учун ҳам таржима мукаммаллашиб борган.




Чет эл романини таржимаси ҳам она тилида яратилган асардай таассурот қолдирмас экан, таржимоннинг ҳам, китобхоннинг ҳам кўнгли тўлмайди.



Мирзакалон Исмоилийнинг таржимонлик фаолиятида катта бурилиш ясаган ҳамда адабий ҳаётда муҳим из қолдирган воқеа Лев Толстойнинг “Анна Каренина” романининг ўзбек тилида чоп этилганидир. Адабий жамоатчилик Мирзакалон Исмоилийнинг таржималарининг энг мукаммали, энг салмоқлиси эканини қайд этди. Адиб бу даврда таржимон ва ёзувчи сифатида анча тажриба орттирган, қалами чархланган эди. Бундай маҳорат маҳсули таржимоннинг ҳассос қалб билан асарни чуқур ҳис қилиши натижасидир.

Романдаги асосий қаҳрамонларгина эмас, иккинчи даражали образлар тасвири, уларнинг нутқини ўзига хослиги ва миллий рух ҳам таржимада муваффақият билан берилган. Бу асарни таржима қилишда Мирзакалон Исмоилий гўё яна бир карра катта маҳорат мактабини ўтади.

У А. П. Чехов асарларининг ҳам моҳир таржимонидир. Адиб улуг рус ёзувчисининг “Қайғу”, “Ёш болалар”, “Душманлар”, “Жаҳолат”, “Польянка “Рўза арафасида”, “Володя” каби кўпплаб ҳикояларини ўзбек китобхонларига тўхфа қилган.



Мирзакалон Исмоилий аввало кўнглига яқин санъаткор ёзувчиларининг асарларини таржима қилишга ҳаракат қилади. Адиб ана шундай суйиб таржима қилган асарларидан бири турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг “Чолиқуши” романидир.

“Бизда “Ўтган кунлар” қанчалик машҳур бўлса, “Чолиқуши” ҳам Туркияда шунчалик машҳурдир. Шу асарни кўп вақтлардан бери ўзбек китобхонига илиниб юардим, - деган эди Мирзакалон Исмоилий. Не бахтки, таржимон хизмати туфайли “Чолиқуши” романи Ўзбекистонимизда ҳам машҳур бўлиб кетди. Бу асар ўзбек тилида қисқа вақт ичида уч марта нашр қилинди. Таржимон ҳар сафар романга қайта-қайта таҳрир ва тузатишлар киритиб борган. “Чолиқуши” бевосита турк тилидан таржима қилинганлиги учун ҳам айниқса қимматлидир. Ўзбек тилидаги “Чолиқуши” нимаси билан китобхонларни мафтун этди? Аввало Мирзакалон Исмоилийнинг таржимага муҳаббат билан ижодий ёндашганини алоҳида қайд этиш керак. Шу нуқтаи назардан қараганда роман аслида ўзбекча ёзилганга ўхшайди. Муҳими, романдаги бошдан-оёқ китобхонни сеҳрлаб қўядиган жозиба, тасвирдаги лиризм, ҳазил, мунг ва булардан тараладиган ажиб бир оҳанг таржимада жуда ёрқин кўринади. “Чолиқуши” романи Мирзакалон Исмоилийнинг энг сара таржималаридан бири ҳисобланади.

“МЕН ҲАЁТДАН РОЗИМАН... ҲАЁТ МЕНДАН РОЗИ БЎЛСА БАС...”

Кишиларнинг маънавий дунёсини акс эттирадиган, чин инсоний гўзалликлар борки, буни барча халқлар бир хил қадрлайдилар. Инсоний қадриятларни ёритган асарлари билан халқимиз қалбидан ўрин олган адибнинг “Фарғона тонг отгунча” трилогиясининг учинчи китоби – “Буниси сизларга йигитлар” асарини чоп эттириш, афсуски адибга насиб этмади. У 1986 йилнинг 5 февралида вафот этди. У ўзбек адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланган. Юртимиз мустақилликка эришгач, адиб номи ўзи яшаган маҳаллага берилди.

Мирзакалон Исмоилий устози Чўлпоннинг

***“Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки, сен ҳам хур тугилгонсен”***

деган ўша машҳур мисраларини бир умр ўзига шиор қилиб олган эди. Чунки адиб бир вақтлар “Қизил Ўзбекистон” газетасида масъул котиб, Шароф Рашидов бош муҳаррир лавозимида ишлашганда ораларидан қора мушук ўтиб, муносабатлари бузилганди. Шу туфайли ёзувчининг юбилейлари ўтказилмади, кўп томли танланган асарлари чоп этилмади. Лекин Мирзакалон Исмоилийга келган кўпгина хатларнинг “Ҳурматли Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирзакалон Исмоилийга” дея бошланган, ҳукумат бермаган мукофотни китобхон бериб қўйган эди. Чинакам ёзувчига китобхон эътирофи ва ихлосидан юқори мукофот бўлмаса керак.

Мирзакалон Исмоилий ўз васиятига кўра “Минор” қабристонига-ҳаётдан эрта кетган фарзандлари – қизи Ойзуҳра ва ўғли Фаррухнинг қабри ёнига қўйилди.

***Мирзакалон Исмоилийнинг асарлари эса даврлар оша
китобхонлар қўлида, қалбида барҳаёт қолади.***

МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИЙ АДАБИЁТ ВА ҲАЁТ ҲАҚИДА

- “Ёзувчининг муқаддас бурчи” – инсон қадрини юксак кўтаришдан, уни бор ҳолича тасвирга олишдан, инсон хатосини ҳам, онтига вафосини ҳам – ҳамма томонини ҳалоллик билан кўрсатиб беришдан иборатдир.”

- “ Таржимон, энг аввало, бадиий дидга, нафосат ҳиссига бой, ҳеч бир масалада адиблардан қолишмайдиган ўткир қалам соҳиби бўлиши керак. Тил масаласига келсак, у ҳар икки тилнинг заршуноси бўлмоғи, аслиятдаги қочириқлар, мажозлар ва мақоллар, сўз ўйини ва ишораларни аъло даражада тушуниб, ўз тилидан шуларга муносиб эваз топа биладиган, ўткир билимдон бўлмоғи керак. Ҳали бу ҳам кифоя эмас. Таржимон ағдарилаётган асари муаллифининг кимлигини, миллатини, ватанини, қалами ҳолатини, усул ва услубини, асарда ёзувчи кўтариб чиққан масала ёки можаро қайси даврга, қайси эл ва юртга оид эканини аниқ билиши керак”

- “Ҳа, Чўлпон ноҳақликдан, миллат бошига тушган зулмдан фарёд чекиб ўтди”.

- “Ота-оннинг болаларга мерос қилиб қолдирадиган энг қимматли нарсаси – одоб-ахлоқ, одамийлик бобидаги таълим тарбиясидир. Болаларни замон йўлига, одамийлик йўлига, виждон йўлига туширишнинг яна бошқа аҳамияти ҳам бор. Болалар ота-она бағрида яхши тарбия олиб, яхши одам бўлиб етишилса, демак, жамият ҳам пок виждон уясига айланади. Жамиятда ҳалоллик, тўғрилиқ, инсоф ҳукмрон бўлади”.

- “Юрагимда хўрликларнинг алами,
Сўрсам дерлар : “Ёзмиш Қудрат қалами”.

Нечун қалам бахтимни қаро ёзди?!

Не қилдим, йўлимни ғамаро ёзди.

Толеимдин кимга йиғлай, дод этай?

Дунё келиб, нени кўрдим, ёд этай!”

МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ САНАЛАРДА

- 1908 йилнинг 15 октябрида Ўшда шаҳрида туғилган.
- Ўрта Осиё университетининг шарқ факультетида ўқиган, рабфакда дарс берган.
- 1932-1937 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриётида ;
- 1937-1938 йилларда Тошкент киностудиясида ;
- 1939 йили Ёзувчилар уюшмаси ;
- 1948-1949 йиллар “Қизил Ўзбекистон” газетасида ;
- 1949-1950 “Шарқ юлдузи” журналида ишлаган.
- 1950-1955 йилларда қатағонга учраб қамалган.
- 1955-1958 йилларда Ғафур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриётида бўлим мудирининг бўлиб ишлаган.
- 1948 йили “Озод инсон ҳақида кўшиқ” ҳикоялар тўплами
- 1949 йили “Кенг майдонлар” пьессаси ;
- 1950-1968 йилларда “Фарғона тонг отгунча” романини иккита китоби ;
- 1962 йили “Бизнинг роман” ;
- 1969 йили “Инсон ҳусни” асари ;
- 1972 йили “Одабийлик қиссаси”
- 1980 йили “Қизлар дафтари” ;
- 1986 йили “Ўзингдан кўр” асарларини яратган
- 1983 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвони билан тақдирланган ;

АДАБИЁТЛАР

Асарлари

1. Исмоилий, М. Инсон хусни [Матн] / Мирзакалон Исмоилий ; муҳаррир М. Қудратова. – Тошкент : Адабиёт ва санъат нашр., 1989. – 256 б.
2. Исмоилий, М. Қайсар боланинг ҳаёти [Матн] : ҳикоялар / Мирзакалон Исмоилий ; муҳаррир Ш. Одилов. – Тошкент : Юлдузча, 1988. – 305 б.
3. Исмоилий, М. Фарғона тонг отгунча [Матн] / Мирзакалон Исмоилий ; муҳаррир Ш. Йўлдошев. – Тошкент : Шарқ, 1995. – 480 б.
4. Исмоилий, М. Ўзингдан кўр [Матн] : ахлоқий қисса / М. Исмоилий ; тақризчи М. Аъзам. – Тошкент, 1996. – 160 б.
5. Исмоилий, М. Фарғона тонг отгунча [Матн] : Сўнгги кеча. 2-китоб / Мирзакалон Исмоилий ; муҳаррир М. Абдулхайр. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2019. – 496 б.

Адиб ҳақидаги адабиётлар

6. Мирзакалон Исмоилий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5- жилд. Конимех-Мирзоқуш / таҳрир ҳайъати :М. Аминов [ва бошқ.]. – Тошкент : Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашр., 2003- Б. 695
7. Отабоев, Шодмон. Мирзакалон Исмоилий : адабий портрет [электрон ресурс] / Шодмон Отабоев. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр. –1978. – 116 б.
8. Устоз сабоқлари // Отабек, Шодмон. Адабиёт қисматдир / Шодмон Отабек. – Тошкент : Sharq, 2014 . – Б.8-40.
9. Тоҳир Малик. Озод инсон ҳақида кўшиқ : ёхуд Мирзакалон Исмоилийнинг сўнгги нафаси : (Ҳужжатли қисса). –Тошкент : Шарқ, 2008. – 156 б.

10. Малик, Тоҳир. Озод Инсон : [тоғаси ҳақидаги хотиралари] / Тоҳир Малик // Ишонч. –1998. – 29 окт . – Б. 4.
11. Аҳророва, Ҳ. Ҳаёт оғир эди, сўзлаш ҳам ... : [Мирзакалон Исмоилийнинг тергови хужжатларидан] / Холида Аҳророва // O'zbekiston adbiyoti va san'ati. – 2004. – 1 окт.
12. Отабек, Шодмон. Ҳаётининг ўзи одамийлик қиссаси / Шодмон Отбек. – O'zbekiston adabiyoti va san'ati. – 2008. – 30 май. – Б. 2.
13. Саъдуллаев, К. Халқчил адиб, моҳир таржимон эди : [бобоси ҳаёти ва ижоди ҳақида] / К. Саъдуллаев // O'zbekiston ovozi . – 2008. – 8 май. – Б. 4.
14. Аҳмадалиев, Д. Мирзакалон Исмоилий билан учрашув : [адиб таржима санъати ҳақида] / Д. Аҳмадалиев // Buloqboshi. – 2018. – 22 сент.
15. Саъдуллаева, Я “Ҳеч кимнинг олдида йиғламаганман” / Яйра Саъдуллаева // O'zbekiston adabiyoti va san'ati. – 2021. – 18 июнь. – Б. 4.

Тузувчи : Ш. Шакирова